## МЕХАНИК ТРАНСПОРТ
# ВОСИТАЛАРИНИ ШАТАККА ОЛИШ

Автомоблни факат хайдовчиси билангина каттик ёки эгилувчан улагич ёрдамида шатакка олиш мумкин (249-расм, **“А”**). Каттик улагичнинг тузилиши шатакка олинган автомобил уни тортувчи автомоблнинг изидан боришини таъминлаб бериши керак (249-расм, **“В”**).

Каттик (249-расм, **“В”**) ёки эгилувчан (249-расм, **“Б”**) улагич ёрдамида шатакка олинган автобус,










троллейбус ва юк автомобилларида одам ташиш такикланади. Кисман ортиш йули билан шатакка олинган автомобил кабинаси ва юкхонасида, шунингдек, шатакка олган автомобилнинг юкхонасида одамлар булиши мумкин эмас (249-расм, **“А”**, 251-расм-**“Г”**, 252 **“Г”**-расмлар).

Шатакка ишлатиладиган эгилувчан улагичнинг буйи 4-6 метр






булиши (253-расм, **“Б”**), каттик улагич эса 4 метрдан ортик




булмаслиги керак (254-расм, **“В”**).

Рул бошкаруви ишламаётган транспорт воситаларини шатакка олиш такикланади (кисман ортиш




усули билан шатакка олиш бундан мустасно) (**”Г”**, 255-расм).

Икки ва ундан ортик автомобилни шатакка олиш такикланади (256-расм, **“Д”**).

Шатакка олинган ва шатакка ол-



ган автомобилларнинг улагич билан бирга умумий узунлиги 24 метрдан ортик булса, шатакка олиш ман этилади.

Тухташ тизими ишламаётган транспорт воситаларининг хакикий вазни шатакка олган транспорт




воситасининг хакикий вазнининг ярмидан ортик булса, (257-расм, **“Ж”** ва **“Е”**). (Бундай транспорт воситаларини факат каттик улагич ёрдамида ёки кисман ортиш усули билан шатакка олиш мумкин).

Кажаваси булмаган мотоциклларни (258-расм, **“З”**) шатакка олиш такикланади (259-расм, **“И”**).







-Муз копланган йулларда эгилувчан улагични шатакка ишлатиш (303-расм, **“Б”** ва **“К”**) ман этилади.

